2020 йил 25 январдан чика бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 96 (96), 2020 йил 30 май, шанба

www.xxxi.uz | xxi.uz/news | t.me/yangiozbekiston_official | t.me/xxi_uz | t.me/xxi_uz_news

Тажриба

КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИ

Хонобод шаҳри ва Юқори Чирчиқ туманларида ўрганилмоқда

Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Камбағаллик нафақат муайян аҳоли қатлами, балки жамият ва давлат ривожланиши, тараққиётига тўсиқ бўлувчи ғовдир. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бевосита аҳоли турмуш тарзининг фаровонлиги, яшаш шароити ва камбағаллик даражаси кўрсаткичларига боғлиқ.

Бугун юртимизда, аввало, инсоннинг фаровон ҳаёти, қолаверса, давлатимиз тараққиётини таъминлаш мақсадида жорий этилаётган камбағалликни қисқартиришга қаратилган қатъий чоралар амалга оширилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 апрелдаги ҳудудларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши ва камбағалликни қисқартириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқ асосан, ҳудудларда камбағаллик даражасини ўрганиш бўйича кузатувлар бошланди.

Илк кузатувлар тажриба тариқасида 18 майдан Андижон вилоятининг Хонобод шаҳри, 20 майдан Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида яшовчи аҳолининг тўлиқ қамраб олган ҳолда Давлат статистика қўмитаси ходимларидан иборат махсус жалчи гуруҳ аъзолари иштирокида ўтказилмоқда.

— Синов тариқасида танлаб олинган Хонобод шаҳрининг 14 та, Юқори Чирчиқ туманининг 47 та маҳалласида кузатувлар олиб борищ йўлга қўйилган, — деди Давлат статистика қўмитаси бошқарма бошлиғи Кубич Бердимуров. — Кузатувлар жараёнида уйма-уй юриш қолда, сўров усули асосида маҳаллаларда яшовчи оилаларнинг ишга ҳақлари, жумладан, оила аъзолари сони, тадбиркорлик билан шуғулланувчилар, пенсионерлар, меҳнатга лайқатли ёшдаги ишловчилар, ногиронлиги бўлган шахслар сони, ўртача ойлик даромадлари ва харажатлари, яшаш хонадонларнинг майдони, томорқа ер майдони, уй хайвонлари ва шахсий автомобилнинг мавжудлиги, тиббий хизматларга қай тўлаш имкониятлари каби 22 та кўрсаткич бўйича ахборотлар тўпланяпти. Жараёнда аҳолининг даромад ва харажатлари билан бирга ўзини ўзи суғурталаш бахолаш ҳам инобатга олинади. Шунингдек, бир қанча кўрсаткичлар асосида кўп қирралн камбағаллик даражаси шакллантирилади. Бунда аҳолининг нечта кунда тўлғи оқиб кетиши, асосий эҳтиёжларнинг қондирилиш даражаси, ишсизлик каби жиҳатлар ўрганилади.

Ҳудудларда ўтказилаётган кузатувларни амалга оширишга Хонобод шаҳрида 50 та, Юқори Чирчиқ туманида 70 та инструктор, интервьюер ҳамда маълумотлар электрон базасини шакллантириш учун операторлар ажратилган. Ҳар бир интервьюерга 10 мингдан 500 дан ортиқ, қондон истиқомат қилаётган Хонобод шаҳри ва 30 мингдан ортиқ оила яшайдиган Юқори Чирчиқ туманида умумий ўрганиш ишлари якунига етгач, олинган натижалар асосида мазкур ҳудудларда вилоятнинг камбағаллик даражаси бўйича ҳукумата тегишли хулосалар тақдим этилади.